

2008-6-сон

Суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талабларига риоя қилинмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди кассация инстанциясининг 2008 йил 19 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2008 йил 4 апрелдаги ҳукмига кўра, 2007 йил 28 ноябрь куни фуқаро Д. соат 22 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, безорилик оқибатида мушти билан фуқаро О.нинг юзига ва қорин соҳасига бир неча маротаба уриб, ёнида олиб юрган ўткир тиғли пичоқ-мослама билан унинг кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғига ҳамда бошқа ички аъзоларига етти маротаба уриб, ҳаёти учун хавfli бўлган қасддан баданига оғир шикаст етказганликда айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисмининг «е» банди билан 7 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда унга нисбатан 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия акти татбиқ этилиб, жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилган.

Жиноят иши бўйича биринчи босқич ва кассация инстанцияси судлари томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасида назарда тутилган айбланиш ва ҳукм қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган содир этилган жиноятнинг тўлиқ доираси, тафсилотлари, сабаблари, усули, айбланувчининг мақсади, жиноятни квалификация қилиш учун зарур бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган.

Судланувчи А. судда О.нинг тўғри келган жойига пичоқни ургандан сўнг ў. О.ни олиб кетаётганида уларга етиб олганлиги, О. ерга йиқилганлиги, шундан кейин уни яна бир марта тепганлиги, у пичоқни урган вақтида

О.нинг ўлиши мумкинлигини билганлиги ҳақида; жабрланувчи О. судда А. унинг қорнига пичоқни санчиб, бураганлиги, қорнини ушлаган вақтида, кўкрагига яна бир марта пичоқ урганлиги, кейин у А.ни итариб юборганлиги, ҳолсизланиб ўртоғи ў.ни чақирганлиги, ў. келганидан кейин ҳам А. унинг олдида яна қайтиб келиб уни тепганлиги ҳақида; гувоҳ ў. судда билирхонадан ташқарига чақириб чиққанида О.ни ерда кийимлари қон ҳолатда ётганлигини кўрганлиги, уни уйига олиб кетмоқчи бўлган вақтида А. орқа томондан келиб О.ни тегиб қайтиб кетганлиги ҳақида; гувоҳ-эксперт Б. судда О.нинг ҳаёти уни ўз вақтида касалхонага олиб келинганлиги ва тезлик билан тиббий ёрдам кўрсатилганлиги натижасида сақлаб қолинганлиги, акс ҳолда унга етказилган жароҳатлар натижасида ўлим ҳолати юз бериши муқаррар эканлиги ҳақида кўрсатма берганлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **«Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 3-бандида қасдан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, чунки бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлади, бироқ ўлим айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, (жабрдийданинг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ва ҳ.к. туфайли) юз бермаслиги, шу сабабли айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарурлиги;

Шу қарорнинг 4-бандида айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишининг барча ҳолатлари мажмуидан

келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиноий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги тушунтирилган.

Суд А.га оид жиноят ишини кўришда юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилмаган.

Суд А. ва О.лар ўрталарида олдиндан адоватлари бўлмаганлиги, А.ни О.ни қасддан ўлдириш мақсади бўлмаганлиги, уруш-жанжал арзимаган баҳонадан келиб чиққанлиги, А. О.ни ўлдириш мақсади бўлганида унда бунга етарли имкониятлар мавжуд бўлганлиги, А.нинг ҳаракатларида О.ни қасддан ўлдиришга қаратилган тўғри қасд белгилари йўқлиги, унинг ўлимини истаб ҳаракат қилмаганлиги каби ҳолатларни асос қилиб, А.нинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисмининг “в,ж,л” бандларидан Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисмининг “е” бандига қайта квалификация қилиб барвақт хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди суднинг бу хатоларига эътибор бермаган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2008 йил 9 октябрда А.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юбориш ҳақида ажрим чиқарди.

Ишни янгидан биринчи босқич судида кўришда А. Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисмининг “ж,л” бандлари билан айбдор деб топилиб, шу модда билан судланган.

ЖСХ-254-08

